



Мухаммад Айюб Кори Масжиди Набавийнинг собик имоми, ўзининг кўнгирок овози, бетакрор кироатлари билан бутун Ислом оламида машхур бўлган кори Мухаммад ибн Мухаммад Юсуф бугун – хиж. 1437 йил 9 ражаб, мил. 2016 йил 16 апрель шанба куни бомдод намозидан кейин Мадинаи Мунавварада вафот этди. Жанозаси пешиндан кейин Масжиди Набавийда ўкилиб, «Бакиъ» кабристонига дафн килиниши оила- аъзолари тарафидан маълум килинган. Мухаммад Айюб 1372/1952 санада Маккаи Мукаррамада таваллуд топган. Ёшлигидан Куръонни ёдлашга уриниб, 12 ёшида хофизи Куръон бўлиб етишди. Кейин Мадинага бориб, ўрта мактабни битирди ва институтда ўкиб, хиж. 1396 йили Ислом университетига шариат факултутетига ўқишга кирди. У магистратурани битириб, шу ерда тафсир, кироат илмларидан таълим берди. У киши Шайх Абдулазиз ибн Мухаммад Усмон, Шайх Мухаммад Саййид Тантовий, Мухаммад Амин Шинкитий ва бошқа кўзга кўринган олимлардан таълим олган. Мадина корилари шайхи Хасан ибн Иброхим, Шайх Ахмад Абдулазиз Зайёт, Шайх Халил ибн Абдуррахмон Кори, Абдуллох Мухаммад Ганимондан Хафснинг Осимдан килган ривояти бўйича ижоза олган. Шайх Мухаммад Айюб 1410–1417 йилларда Масжиди Набавийда имомлик килди. У илк имом бўлиб сайланган йили Рамазонда бир ўзи хатм килиб берди. Кейин Кубо масжидида таровехда хатм килиб берадиган бўлди. 1403 йилдан «Абдуллох Хусайний» масжидида имомлик килиб, шу ерда 23 йил хизмат кўрсатди. У ердан кейин «Ахмад ибн Ханбал» масжидида хатибликка ишга ўтди. 1436 йилнинг Рамазонида Салмон ибн Абдулазизнинг буйруги билан Масжиди Набавийга яна имом этиб тайинланган эди. Аллох Ўз раҳматида олган бўлсин. Шайх Мухаммад Айюб бутун Ислом оламида энг машхур корилардан бири хисобланади. Малазия, Инданезия, Покистон, Туркия ва бошқа мамлакатларда араб тилидан махсус тўгаракларда дарс берар эди. Британиядаги Ислом университетининг таклифи билан у ердаги жомеъда Рамазонда таровехда хатм килиб берган. У кишининг «Подшоҳ Фаҳд матбаа-нашрети»да ёзилган таровехдаги ва студиядаги тўлик хатми бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган. Мухаммад Айюб коридан 5 ўгил, икки киз колди. Барчалари Куръон хофизларидан ва жамиятнинг турли сохаларида ўкиб, хизмат килишади. Аллох у кишига ўкиган Куръонларини хамроҳ ва шафоатчи килсин, охиратларини обод айласин!

*Хасанхон Яхё Абдулмажид*

---